

**ИБРАТЛИ
УМР
ЭЪТИРОФИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАБИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ**

**ИБРАТЛИ УМР
ЭЪТИРОФИ**

Бухоро - 2020

Ибратли умр эътирофи

Ушбу китоб Бухоро давлат университетида бутун умрини бағишлаган малакали, жонкуяр, фидойи инсон Умаров Каромат Умаровичнинг 75 йиллик хотирасига бағишланади.

Китобда турли йиллар бирга ишлаган, ҳамнафас бўлган олимлар, мутахассислар, аспирантлар ва дўстларининг ибратли фикр–мулоҳазалари тўпланган.

Китоб мутахассислар, магистрлар, докторантлар, талаба-ёшлар ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Сўз боши муаллифи ва масъул муҳаррир :

Ҳ.Т. Артикова БухДУ Табиий фанлар факултети декани,
биология фанлари доктори, профессор

ТАҚРИЗЧИЛАР:

С.И. Иноятов, тарих фанлари доктори, профессор, халқаро Турон академияси, Халқаро Педагогика таълим академиясининг (МАНПО) академиги.

М.Ҳ.Махмудов, педагогика фанлари доктори, профессор, Халқаро Антик дунё (Antique World) Илмий Академияси ва Халқаро Педагогика таълим академиясининг (МАНПО) академиги.

Тўплаб нашрга тайёрловчилар :

А.И.Ёдгоров, Х.Р.Тошов, О.Р.Умаров, З.Атоева, З.Ҳ.Бафаева

ТЕХНИК МУҲАРРИРЛАР:

Артикова Манзура Исроиловна

Бухоро давлат университети Табиий фанлар факультети илмий кенгашининг (2020 йил 28 ноябрдаги 4-сонли баёни) қарори билан нашрга тавсия этилган

ва улуғдир. Устоз шогирдини ўз фарзандидек кўради. Муҳтарам Президентимиз устозлар шаънига тўхталар экан, «Биз бугун замонавий билим ва касб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўяётган, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган минг-минглаб фарзандларимиз камолида ўқитувчи ва мураббийларимизнинг беқиёс ҳиссаси борлигини яхши биламиз ва сизларнинг бу улуғ хизматингизни юксак қадрлаймиз», дея алоҳида таъкидлаган эди. Халқимизда «Устоз отангдек улуғ» деган ҳикматли нақл бежиз айтиламаган. Зеро, бугунги куннинг ёшлари, биз - шогирдар азиз устозларимизни ардоқлаб, Каромат Умаровичдек устозларимиз ёрқин хотираларини абадийлаштириш, уларнинг ўғитларидан, ҳаётий тажрибаларидан ва ҳикматли сўзларидан ўрнак олиш энг олий мақсадларимиздан бири бўлиши жоиз деган фикрдаман, келгусида эса ўсаётган ёш авлодларнинг жонажон Ватанимизга муносиб фарзанд ва кадрлар бўлиб етишишига ишонса бўлади.

Устознинг руҳлари ҳамиша шод бўлсин!

БЕНАЗИР УСТОЗ ХОТИРАСИ

Салимова Ҳилола Ҳамроевна

**Бухоро давлат университети Тупроқшунослик
кафедраси ўқитувчиси**

*Устоз – муаллимсиз қолганда замон,
Нодонликдан қаро бўларди замон.*

Абдурахмон Жомий

Устоз ва мураббийлар жамият биносининг бинокорлари, маърифат боғининг боғбонларидир. Улар ҳаёт бўстонидаги ниҳолнинг бақувват дарахтга айланиши учун беқиёс меҳнат қилади. Шунинг учун ҳам унинг шогирд устидаги ҳаққи бениҳоя катта ва улуғдир. Устоз шогирдини ўз фарзандидек кўради. Балки унга фарзандига кўрсатмаган таважжуҳ билан юзланади. Унинг юпун ва совуқ бўлган маънавий оламини ўзининг қалб кўзи билан иситади. Зимистон дунёсини илм

қуёшининг мўъжизакор зиёси билан мунаввар этади. Сабр ва меҳр билан парваришлайди. Дунёю охиратда улуғлик, манфаат ва нажот келтирадиган йўлга йўллаб қўяди. Бунга қўшимча равишда шогирдининг салоҳияти учун туну кун дуода бўлади. Натижада унинг қўлига ниҳол бўлиб келган ўқувчи ва талаба совуқ урмасдан, зулматларда абгор бўлмасдан униб-ўсади ва вақти келиб бу ниҳол ҳаёт бўстонидаги сербарг ва муҳташам дарахтга айланади. Кейин у ҳам ўз навбатида маънавият боғига ўзининг ҳар хил меваларини тақдим қилади.

Сизнинг таълимингиз олмаган ким бор,
Сиз-ку юракларда илк зиё ёққан.
Олимми, шоирми ва ё санъаткор,
Илк бор сизга томон устоз деб боққан.

2000 йил Бухоро давлат университети Агрокимё ва тупроқшунослик таълим йўналишига ўқишга қабул қилинган талабаларга мандат эълон қилиниб, барча талабалар факультет биносигига келишлари айтилди. Шунда факультетга йўл олганимизда факультет декани К.Умаров пешвоз чиқиб бизни кутиб олдилар.

Устоз жуда талабчан, жонкуяр, фидойи, қаттиқ қўл инсон сифатида кўз олдимда гавдаланди ва ўшанда олий ўқув юртида ўқиш нақадар масъулиятли эканлигини ҳис этганман.

Устоз доим факультет талабалари билан ҳамжиҳатликда ишларди ва уларни қўллаб-қувватлар, ҳар бир талабани исми-фамилияси билан танирди. Мазкур факультетда ўқиш мен учун фахрли эди, негаки факультет университет факультетлари орасида доим биринчиликда эди.

Раҳматли устозни хизматлари ва яхшиликлари менга кўп сингган. Устоз иқтидорли талабаларга алоҳида эътибор қаратарди, у кишининг раҳбарлиги даврида мен 3 маротаба Республика фан олимпиадаларида фахрли 1 ва 2 ўринларни эгаллаганман, шунингдек “Касаба уюшма”, “Маданият” ва “Беруний” номли давлат степендиантлари бўлганман.

Менинг шу даргоҳда ишга қабул қилинишим устоз меҳнатларининг самараси деб биламан.

2006 йил магистратурани битирганимдан сўнг устоз мени ўзлари мудирлик қилаётган Агрономия ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш кафедрасига ишга қабул қилиб, ўқитувчилик фаолиятимни бошлаганимда ўз маслаҳатларини бериб, вақтларини аямасдан иш ўргатганлар. Раҳматли устоз тиниб-тинчимас фидойи инсон қайси соҳада ишламасин, ўша соҳа ривожига астойидил меҳнати ва ақл-заковати орқали эришарди. Устозни жамоа ва талабалар бир хил ҳурмат қилишарди.

Беназир устоз яратган мактабни давом эттиришда устоз руҳи поклари бизни кўлласин.

ҚАЛБИМИЗДА ЎЧМАС ИЗ

**Очилова Муяссар Алишер қизи Тупроқшунослик
ихтисослиги 2-босқич магистри**

Сўрдилар, дунёда асли ким азиз,
Айтлар, устоздир, устоз бегумон
Тағин айтдиларки, азиз шубҳасиз
Устозин қадрига етолган инсон

Тириклик оламида инсон зотига хос бўлган эзгу фазилатлардан бири ўтганлар орасидаги яхшиликларини ёд этмоқдир, десак муболаға бўлмас.

Хотира аждодлар ҳаётидан эзгулик уруғларини олиб авлодлар қалбида экади, бу ҳаёт, бу қисқа умр ўткинчи, фақат ва фақат ҳаётинг давомида амалга оширган эзгу ишларинггина номингни сақлаб яшаб қолишини эслатиб туради. Шу тариқа хотира аждодлар тақдирини авлодларга туташтиради, давронларни замонларга боғлаб, тириклар ва тириклик дунёсини тарк этганлар орасида мустаҳкам кўприк, маънавий ва маърифий сабоқ намуналари вазифасини ўтайди. Шу боисдан ҳам инсон зоти борки, у учун хотира азиз, хотира муқаддас...

Ибратли умр эътирофи

<i>Ф. А.Ганиева.</i> Устоз – мисли ёниб турган шам	116
<i>Ҳ. Х.Салимова.</i> Беназир устоз хотираси	120
<i>М. А.Очилова.</i> Қалбимизда ўчмас из	122
<i>З. А.Атаева.</i> Устозни ёд этиш – муқаддас бурч	124
<i>З.Расулов.</i> Устозни эслаб	125
<i>С.М.Назарова.</i> Устоз номи барҳаёт	126
<i>Б.К.Умаров.</i> Дийдорлари энди армон отажоним	129
<i>О.Р.Умаров.</i> Умаровлар сулоласи: фахри ва ғурури	130
Устоз Каромат Умарович Умаровнинг илмий ишлари барҳаёт	134
Умаров Каромат Умаровичнинг умр йўллари	150
